

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК ЭТИКАСИ

Халиков Аъзам Абдусаломович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика
фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454654>

Annotatsiya. *O'qituvchining kasbiy mahoratini ko'rsatadigan muhim omillardan biri bu o'qituvchining o'z o'quvchilari bilan muloqot qilish qobiliyatidir.*

Ayniqsa, uning so'z orqali og'zaki ta'siri o'qituvchining muloqot qobiliyatida mujassamlanganligi, uchrashish iste'dodi unga asos bo'ladi.

Kalit so'zlar: *omillar, o'qituvchining kasbiy mahorati, ko'nikma, iste'dod, muloqot, talabalar.*

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ЭТИКА БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Аннотация. *Одним из важных средств реализации педагогического мастерства будущего учителя является его способность общения с учениками. Педагогическая этика учителя способствуют достижению успехов в учебно-воспитательной деятельности. В данной статье приведены суждения, основанные на педагогическом опыте, этика педагога, умения оказывать влияние словом, умение общаться с учениками.*

Ключевые слова: *факторы, профессиональное мастерство учителя, умения, талант, коммуникабельность, студенты.*

PEDAGOGICAL ETHICS OF A FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHER

Abstract. *One of the important factors which shows teacher's professional skill is teacher's talent of communicating with his students.*

Especially his oral effecting through word embodied in teacher's communicating talent, his talent of encountering will be basement on his.

Keywords: *factors, teacher's professional skill, skills, talent, communicating, students.*

Жамиятда юз бераётган кескин ўзгаришлар, инсон таълим-тарбияси билан боғлиқ бўлган ҳар хил муаммолар педагогик жараёнда ҳам ўз аксини топмоқда. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, бозор иқтисодиётида рўй бераётган кескин рақобат “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқитувчи-талаба” муносабатларида ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инсоният фақат билим ўрганиш натижасида меҳнат ва ижод соҳасида яратувчанлик фаолиятига, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга асосланган ишчанликка, шахсий алоқалар воситасида бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш қобилиятига эга бўлади. Инглиз олими Дж. Саймон билимни “инсонни жамият учун шакллантириш усули” деб атаган. Машҳур рус ёзувчиси ва публицисти Н.Г.Чернышевский эса ўз асарларида билим учта мукамал таркибий қисмни ўз ичига олишини таъкидлайди: *кенг қамровли билимлар, фикрлашга чорловчи билимлар, олижаноб туйғуларни ривожлантирувчи билимлар*. Билимлар ёш авлод онги ва тафаккурига фақат ўқитувчининг юксак касбий маҳорати туфайлигина етказилади. Бироқ шу билан бирга ўқитувчи юксак инсонпарварликка ҳамда этикага эга бўлиши керак.

Педагог олим М.А.Вербнинг таъкидлашича, ўқитувчи касбий маданиятининг муҳим асосини **педагогик этика** ташкил қилади. Маълумки, **этика** (юн. *ethos* - феъл-атвор, одат) – ўзини тутиш меъёри ва қоидалари, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги фан. **Педагогик этика** умумэтика меъёрлари асосида бўлажак ўқитувчининг касбий

фаолиятда ўз муҳитидаги инсонлар, ҳамкасблари, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, билан мулоқот жараёнида амал қилиши лозим бўлган меъёрий-ахлоқий позицияларни белгилаб беради.

Инсонпарварлик педагогикасида асрлар давомида ўзининг энг сара вакиллари номидан болаларга бўлган қизгин муҳаббат этик меъёрларнинг бошланғич нуқтаси эканлигини айтиб келишмоқда. Бунда болага бўлган ҳиссий-қадрий муносабатлар турлича намоён бўлади. Ж.Ж.Руссо, Л.Н.Толстой, Р.Штайнер каби олимларнинг асосий педагогик ғояси, болаларни севиш уларнинг ёш хусусиятига қараб мулоқотда бўлиш эҳтиёжларига мос тарзда уларга мумкин қадар кенг ижодий эркинлик бериш ҳисобланган. И.Г.Песталоцци ва Я.Корчак каби олимлар нафақат болаларга меҳр бериш кераклигини, балки уларнинг қувончларига ва ғамларига шерик бўлиб яшаш лозимлигини ҳам ишонч билан уқтиришган. Р.Оуэн ва А.С.Макаренко, ўз тарбияланувчилари ҳақида ғамхўрлик қилган ҳолда, уларни келажак ҳаётда бахтли бўлиб яшашга ўргатишган.

Педагогика фанида баъзи олимлар ўз тадқиқот ишларида болаларга нисбатан ўқитувчининг қаттиққўллиги тарафдори эканликларини таъкидлашган. Бирок қаттиққўллик ва қўполлик ҳақида олимлар нималар дейишмасин, барибир болалар билан ўзаро яқин муносабат, хушмуомалалик, бир-бирини чин кўнгилдан тушуниш, ғамхўрлик қилиш каби туйғуларсиз ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида руҳий ўзаро яқдилликка эришиб бўлмайди. В.А.Сухомлинский буни ҳақли равишда таълим-тарбия жараёнининг *альфа ва омегаси* деб атаган.

Я.А.Коменский Ўрта асрнинг сўнгги даврларида болалар таълим олаётган барча муассасалар, “инсонпарварликни тараннум этувчи устахоналар” каби бўлиши лозим деб ҳисоблаган. Кейинроқ бу ҳақда И.И.Бецкой, Н.И.Пирогов, П.П.Блонский, М.Монтессори каби таниқли олимлар ҳам ўз асарларида ёзишган. Болаларга бўлган инсонпарварлик туйғулари, яъни меҳрибон ва ғамхўр бўлиш, уларни қалбан тушуниш ва эҳтиёт қилиш ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, фан-техника, компьютер ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши жараёнида айниқса ниҳоятда долзарбдир.

Бошланғич синф ўқитувчисининг инсонпарварлиги “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Қонунда, мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларда ва халқаро миқёсда қабул қилинган таълим тўғрисидаги ҳамда болаларни ҳимоя қилиш ҳақидаги турли ҳужжатларда белгиланган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қоидаларги роя қилишда намоён бўлади. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясида (20.11.1989) ҳар бир бола тўлақонли таълим олишга, санъат ва спорт тури билан шуғулланишга, ўзининг эркин ва шахсий фикрига эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидланган.

Рус педагоги Я.Корчак ўзининг “Болалар уйи Низоми”да тарбияланувчиларнинг қўп сонли ҳуқуқлари ичида *ўйин, сир сақлаш, ўз муаммоларига диққат билан муносабатда бўлиш, талабчанлик, норозилик билдириш, боланинг эркин фикрлаш эркинлиги ҳуқуқлари* санаб ўтилган. Болаларга нисбатан мажбурлаш ҳаракатлари, яъни бировнинг фикрини тикиштириш, ғурурини паймол қилиш, тан жазосини қўллаш, эркинлигини чеклаш, овқатдан ва уйқудан маҳрум қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрлар алоҳида таъкидланган. Ушбу меъёрлар ижтимоий ва оилавий тарбияга ҳам бир хил тегишлидир.

Ўқитувчининг ўз тарбияланувчилари билан дарс ва дарсдан ташқари мулоқотларида намоён бўладиган этик фазилатлари спектри ниҳоятда кенг ва хилма-хилдир. Ушбу муаммо бўйича педагогикада олиб борилган махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчилари ўз ўқитувчилари характерида мавжуд бўлган самимийликни, хушмуомалаликни, меҳрибонликни, адолатпарварликни, ўқувчиларнинг ўрганилаётган фани билан боғлиқ бўлган баъзи муаммоларни тушунишга кўмаклашишини, машғулотда берилган материални тушунишда ёрдам бериш истагини, дилкашликни, ҳалолликни, меҳнаткашликни, вазмин ва босиқликни, ўқувчининг билиш қобилияти ва қизиқувчанлигини эътироф этишини, сабр-бардошни, талабчанликни ва бошқа яна бир қатор педагогик касбий аҳамиятга эга бўлган фазилатларини қадрлашади. Бироқ ўқувчилар асосан, ўқитувчи билан муносабатларидаги самимийликни, софдилликни, сидқидилликни кўпроқ қадрлайдилар. Таниқли олим М.О.Кнебель, педагогика фани болага нисбатан она фазилатларига яқин турадиган фазилатларни талаб қилади, деб таъкидлаган эди. У ўзининг “Поэзия педагогикаси” (“Педагогика назми”) номли китобида она ўзида мавжуд бўлган энг яхши эзгуликларни болаларига бергани каби, ўқитувчи ҳам ўз қалбини ёш ўқувчиларига бахшида этиши зарурлиги ҳақида ёзган.

Педагог касбининг ички асосий мазмуни ҳам ана шундадир. Қалбни болаларга бағишлаш ҳам қийин, ҳам қувончли. Шунинг учун қийинки, бу нафақат руҳий, балки жисмоний куч сарфлашни талаб қилади. Шунинг учун қувончлики, ўқитувчининг бутун сарф қилган кучлари, қийинчиликлари ва машаққатларининг жавоби гўё ёшлик куч-қуввати каби унга қайта оқиб келади.

Ўқувчининг шахс сифатида шаклланишига оиладаги ва болаларнинг турли тарбия муассасаларидаги педагогик талабларнинг бир бирига муштарақлигини таъминлаш учун ёш ўқитувчи, ҳам тарбиячи сифатида мулоқотнинг ишончли ва синалган муомала усуллари танлаши лозим.

Ҳар бир ўқитувчининг ўз педагогик жамоасидаги ҳамкасблари билан ўзаро муносабатида қатъий риоя қиладиган норасмий “этик кодекс” мавжуд. Олий педагогик таълим муассасасини тугатиб, ёш мутахассис сифатида педагогик жамоага келиб қўшилган ўқитувчи ўз фаолиятини нимадан бошлаши мумкин. Бу мураккаб савол барча ёш ўқитувчиларни ҳаяжонли вазиятга солиши аниқ. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган устоз ўқитувчиларнинг ўғитларидан фойдаланиб қуйидаги тавсияларга риоя қилишларингизни сўраймиз:

1. Ушбу таълим муассасасидаги йиллар давомида сайқалланиб шаклланган анъаналарни, иш жараёнини танқид қилишга ва “эшикдан кирибоқ” ўзингизга маъқул бўлган янги қоидаларни таклиф қилишга шошилманг. Жамоадаги вазиятни, ўз ҳамкасбларингизнинг, яъни турли авлод вакилларининг муваффақиятларини ва камчиликларини тушуниб олишга ҳаракат қилинг.

2. Ҳамкасбингиз бўлмиш ўқитувчининг очиқ дарсини ёки машғулотларни бошқариш тарзини, айниқса раҳбарлар иштирокида муҳокама қила туриб, биринчи навбатда унинг ютуқларидан ва ижобий томонларидан гап бошланг. Бу билан сиз ўз ҳамкасбингизга маънавий жиҳатдан кўмак берган бўласиз.

3. Ўзингиз бевосита машғулотлар олиб борадиган синфда ўқувчилар берилган топшириқларни бажара олмаса ёки ўзларини интизомсиз тутишса, бунда ўқувчилар

жамоасини, синф раҳбарини, ота-оналарни айблаш одобдан эмас. Муваффақиятсизликнинг сабабларини касбий фаолиятингиздаги методик хатоларингиздан қидириш лозим.

4. Агар сиз ёши улуғ, хурмат-эҳтиромга сазовор бўлган ҳамкасбингизнинг ёки муассаса маъмуриятининг педагогик фаолиятингиз юзасидан билдириладиган мулоҳазалари ва эътирозларига рози бўлмасангиз, келишувчанлик мавқеини эгалламаслик лозим, аммо муносабатларни ҳам кескинлаштирмаслик керак. Энг яхшиси, ўз мавқеингизни кучайтирадиган далиллар келтиринг ва рақибларингизнинг ноҳақ эканликларини исботлашга ҳаракат қилинг.

5. Ёдингизда бўлсин: сизнинг хайрихоҳлигингиз, киришимлилигингиз, мулозаматли бўлишингиз, ишда ўзаро ҳамкорликка интилишингиз, энг яхши тажрибани тан олишга, янги ташаббусни қўллаб-қувватлашга тайёрлигингиз – эришиладиган муваффақиятли фаолият учун қулай муҳит яратади ва меҳнат жамоасида яхши ижодий кайфиятнинг пайдо бўлишида асосий омил ҳисобланади.

Демак, педагогик этика педагогик маҳоратининг муҳим бир қисмидир. Ўзаро муносабатлар (ўқитувчи – ўқувчи) самарадорлиги кўпинча педагогик тактга риоя қилишга ҳам боғлиқ эканлигини ёдда тутиш лозим.

REFERENCES

1. Ладенко И.С. Деятельностный ум (Деятельность. Знак. Личность). –Москва. – Смысл. –2001. –392 с.;
2. Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя: Учебное пособие для студентов педвузов, учителей и слушателей ФПК.- М.: Межд. пед. академия, 1995.- 189 с.
3. Семенов И.Н. Психология рефлексии в организации творческого процесса мышления: Автореф. дисс. доктора психол. наук. – М., 1992.- 52 с.